



“14” 07 2020 y. № 02-06/1404

**Оммавий ахборот воситалари,
ташқи реклама объектлари
(конструкциялари эгалари),
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Агентлик томонидан ўтказилган ўрганишларда оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали рекламаларни тарқатишда (жойлаштиришда) реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйилаётганлиги кузатилмоқда.

Аксарият реклама воситалари, жумладан ташқи реклама, оммавий ахборот воситалари, интернет, ижтимоий тармоқлар, телеграм каналлар орқали **ниқоблар (маска)** рекламаси кескин фаоллашди.

Айрим оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда ҳимоя ниқобларининг бўрттирувчи ва ишончсиз маълумотдан иборат рекламалари жойлаштирилмоқда. Хусусан, уларда **“инфекциялардан тўлиқ ҳимоя”, “хавфли вируслардан 99,9% ҳимоялашга қодир”** ва бошқа шу каби бўрттирувчи ва истеъмолчиларни чалғитувчи иборалардан фойдаланилмоқда.

Шунингдек, **“кўп мартали” (многоразовый), “оддий ниқоблардан фарқли равишда сифатли”, “энг ишончли”, “текширувдан ўтган”, “сертификатланган”, “инновацион”** сўзлари ёрдамида бошқа ниқобларга нисбатан нотўғри тасаввурни шакллантиришга ундовчи ахборотлардан фойдаланилмоқда ва бу ҳолатлар ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига асосан ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама **нотўғри** (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланади ҳамда бундай **реклама тақиқланади**.

Юқоридагиларни инобатга олиб, коронавирус пандемияси даврида **реклама берувчи ва тарқатувчилардан** қонунийлик, аниқлик, ишончлилиқ тамойилларига қатъий амал қилишлари, асоссиз, ҳеч қандай исбот ва далиллар бўлмаган ҳолда ахборот тарқатишни ҳамда рекламадан фойдаланувчиларга зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда фаолият юритишлари ҳамда энг асосийси **истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотларни** реклама воситаларида тарқатмасликлари сўралади.

Директор ўринбосари

А. Курбонов